



Regulatory framework for attracting foreign investment in small businesses

Ikrom KENZHAEV¹

Namangan State University

ARTICLE INFO

Article history:

Received March 2021
Received in revised form
20 March 2021
Accepted 15 April 2021
Available online
20 May 2021

Keywords:

investment activity,
investment climate,
investor,
free economic zones,
small industrial zones.

ABSTRACT

This article defines the forms of attracting foreign investment in small businesses and interaction with investors. Various classifications of attracting foreign investment were identified. The legal basis for attracting foreign investment in the small business sector and their promotion is considered. The assessment of the order of further activation of the investment policy carried out in the country and registration of enterprises with foreign investments is given.

2181-1415/© 2021 in Science LLC.

This is an open access article under the Attribution 4.0 International (CC BY 4.0) license (<https://creativecommons.org/licenses/by/4.0/deed.ru>)

Кичик бизнесга хорижий инвестицияларни жалб қилишнинг норматив-ҳуқуқий асослари

АННОТАЦИЯ

Калит сўзлар:

инвестиция фаолияти,
инвестицион муҳит,
инвестор,
эркин иқтисодий зоналар,
кичик саноат зоналари.

Ушбу мақолада кичик бизнесга хорижий инвестицияларни жалб қилиш ва инвесторлар билан ҳамкорлик қилишнинг шакллари белгиланди. Хорижий инвестициялар жалб этилишининг турли классификациялари аниқланди. Кичик бизнес секторига хорижий инвестициялар жалб этиш механизмлари ва уларни рағбатлантиришнинг ҳуқуқий асослари кўриб чиқилди. Мамлакатда олиб борилаётган инвестицион сиёсатни янада жадаллаштириш ва хорижий инвестицияли корхоналарни рўйхатдан ўтказиш тартиби баҳоланди.

¹ Basic doctoral student, Namangan State University, Namangan, Uzbekistan.

Нормативно-правовая база привлечения иностранных инвестиций в малый бизнес

АННОТАЦИЯ

Ключевые слова:

инвестиционная деятельность, инвестиционный климат, инвестор, свободные экономические зоны, малые промышленные зоны.

В данной статье определены формы привлечения иностранных инвестиций в малый бизнес и взаимодействия с инвесторами. Были определены различные классификации привлечения иностранных инвестиций. Рассмотрены правовые основы привлечения иностранных инвестиций в сектор малого бизнеса и их стимулирование. Дана оценка порядка дальнейшей активизации проводимой в стране инвестиционной политики и регистрации предприятий с иностранными инвестициями.

КИРИШ

Ўзбекистон Республикасида мустақиллик йилларида хорижий инвесторлар учун қулай инвестицион муҳит ва ҳуқуқий база яратилган. Чет элик инвесторларга ёрдам кўрсатиш мақсадида Ўзбекистонда ихтисослаштирилган ташкилотлар ва муассасалар тармоғи ташкил этилган. Булар – чет эл инвестициялари бўйича агентлик, Савдо-саноат палатаси, “Ўзбекинвест” Миллий экспорт-импорт суғурта компанияси, Халқаро молия корпорацияси, Европа тикланиш ва тараққиёт банки, «Малай Бэнк Берхард» (Малайзия) ва бизнинг Ташқи иқтисодий фаолият миллий банкимиздир.

Мамлакатимизнинг ташқи иқтисодий сиёсати жаҳон бозоридаги мавқеларини мустаҳкамлашга, унинг тўлов балансини кучайтиришга, қулай инвестиция муҳитини вужудга келтиришга қаратилгандир. Шунингдек, ташқи иқтисодий сиёсатда устувор йўналиш сифатида хорижий сармояларни иқтисодиётга кенг қўламда жалб этиш учун зарур ҳуқуқий, ижтимоий-иқтисодий ҳамда бошқа шарт-шароитларни вужудга келтириш, қўшма корхоналарни ташкил қилишда кўмаклашиш, шунингдек инвесторлар манфаатлари ҳимоя қилинишининг таъминланиши борасида салмоқли ишлар олиб борилмоқда. Натижада, 2019 йилда Ўзбекистонда тўғридан-тўғри хорижий инвестициялар

4,2 миллиард долларни ташкил этиб, 2018 йилга нисбатан 3,1 миллиард долларга ёки 3,7 баробар ўсди. Инвестицияларнинг ялпи ички маҳсулотдаги улуши 37 фоизга етди [1].

Ҳозирги пайтда мамлакатимизда инвестиция фаолияти, шу жумладан хорижий инвестор фаолияти 2019 йил 9 декабрда қабул қилинган “Инвестициялар ва инвестиция фаолияти тўғрисида”ги Қонун билан тартибга солинмоқда. Унинг қабул қилиниши билан унга қадар амалда бўлган 12 та қонун ҳужжатлари ўз кучини йўқотди ва инвестиция фаолиятини давлат томонидан тартибга солиниши битта қонун ҳужжатида жамланди. Мазкур Қонун билан хорижий инвесторлар учун Ўзбекистонда турли шаклларда инвестицияларни амалга ошириш имконияти яратилган.

ТАДҚИҚОТ МЕТОДОЛОГИЯСИ

Кичик бизнесга хорижий инвестицияларни жалб қилиш шакллари ва механизмларини умумлаштиришдан иборат. Мақолада қўлланган методология хорижий инвестицияли кичик корхоналарни рағбатлантиришнинг ҳуқуқий асослари ва ташкил этишнинг устувор йўналишларини аниқлаш ҳамда уни амалга оширишнинг ижтимоий-иқтисодий механизмларини такомиллаштиришга

қаратилган. Тадқиқот жараёнида илмий абстракция, таҳлил ва синтез, индукция ва дедукция, қиёслаш, гуруҳлаш усулларидан фойдаланилди.

МАЗУНИНГ ЎРГАНИЛГАНЛИК ДАРАЖАСИ

Хорижий инвестицияларни жалб қилиш ва улар иштирокида ташкил этилган корхоналар фаолиятининг турли минтақавий жиҳатлари қатор чет эллик ва мамлакатимиз иқтисодчи олимларининг илмий ишларида ўз аксини топган. Жумладан: Р.Вернон [2] ТТХИ жалб этиш билан маҳсулотнинг ҳаётийлик цикли ўртасидаги боғлиқликни аниқлади, М.Э.Портер [3] тадқиқотлари асосида рақобат устунлигини таъминловчи омиллар тизимини аниқлади, Ж. Даннинг [4] ТМКнинг жаҳон капитал бозорларига кириб боришнинг энг яхши омиллари, ғоялари ва доктриналарини танлаб, уларни бир тизимга бирлаштирди. Хорижий инвестициялар шакллари классификацияси бўйича И.В. Сергеев, И.И. Веретенникова, В.В. Шеховцевлар [5] илмий ишларида, К.К. Поздников [6] эса хорижий инвесторларни гуруҳларга ажратиш борасидаги тадқиқотларни олиб борган.

Мамлакатимиз олимларидан кичик бизнесга хорижий инвестициялар жалб этиш бўйича К.И. Сирожиддинов [10], Ш.Р. Нурдиноваларнинг [12] ҳам илмий тадқиқот ишлари ушбу сектор ривожланишига муҳим ҳисса қўшган.

Бу тадқиқот ишларида асосий эътибор хорижий инвестицияларнинг мазмун моҳияти ва ундан самарали фойдаланиш масалаларига эътибор қаратилган. Бироқ, иқтисодиётни модернизациялаш шароитида кичик бизнесга хорижий инвестицияларни жалб этишнинг ўзига хос жиҳатлари бўйича алоҳида тадқиқотлар олиб борилмаган. Бу барча ҳолатлар мазкур тадқиқотнинг шу мавзуда амалга оширилган бошқа ишлардан тубдан фарқини кўрсатиб беради.

ТАХЛИЛ ВА НАТИЖАЛАР

Инвестицион ҳамкорликнинг асосий афзаллиги шундан иборатки, унда илмий-техник билимлар, ноу-хауларнинг, айниқса, инновацияларнинг узлуксиз жалб этилиши; аҳолининг бандлик даражаси ва унда меҳнат унумдорлигининг ўсиши; ҳудуд табиий ресурсларидан фойдаланишнинг яхшиланиши; рақобатни фаоллаштириш ва унинг натижасида кичик бизнес сектори фаолиятининг ривожланиши; замонавий ташкилий-бошқарув тажрибасининг жорий этилиши юз беради. Фикримизча, энг биринчи ёндашувда инвестицияларни қуйидагича классификациялаб олиш мумкин (1-жадвал).

1-жадвал

Инвестициялар классификацияси

Классификация мезони	Инвестициялар классификацияси
Инвестициялар шакллари	Тўғридан-тўғри инвестициялар Портфель инвестициялар Бошқалар
Инвестициялар муддатлари	Қисқа муддатли Ўрта муддатли Узоқ муддатли
Инвестиционресурсларнинг мулкчилик шакли	Хусусий Давлат Аралаш

Кичик бизнесдаги инвестиция жараёнларига хорижий капитални жалб этишнинг узоқ муддатли стратегияларини ишлаб чиқишда хорижий инвесторлар билан ҳамкорлик қилишнинг турли шакллари мавжудлигини ҳисобга олиш лозим. Улар орасидан қуйидагиларни алоҳида таъкидлаб ўтиш жоиз:

– хорижий инвесторлар иштирокининг улушларига қараб, шу жумладан, ҳиссадорлик жамиятлари акцияларини хорижий инвесторларга сотиш йўли билан турли шаклда қўшма корхоналар тузиш;

– хорижда корхона филиаллари ва шўъба жамиятларини тузиш, чет элларда тўлиқ хорижий инвесторга тегишли янги компанияларни ташкил этиш;

– фирмалараро бирлашув ва бирини бошқаси томонидан ютиб юбориши натижасида эгалик қилиш, яъни фирмани сотиб олиш ёки қўшиш билан эгалик ҳуқуқи ёки миллийлик ҳуқуқига эга бўлиш;

– стратегик ҳамкорлик (бирлашма) тузиш, мулкка, шу жумладан, қимматли қоғозларга эга бўлиш;

– давлат ва инвесторлар ўртасидаги шартномавий муносабатлар асосида хорижий капитални киритиш – маҳсулот тақсимооти ҳақида концессия ва битимлар тузиш;

– халқаро молиявий ижара (лизинг) шартномасини тузиш ва эркин иқтисодий ҳудудларни ташкил этиш;

– давлат кафолати асосида банк кредитлари ва тижорат кредитлари ҳамда экспортни молиялаштириш билан боғлиқ кредитлар ажратиш.

“Америка депозитар тилхати” дастури орқали акциялар эмиссияси ва уларни жойлаштириш.

Иқтисодчилар хорижий инвестициялар жалб этилишида турли классификацияларини келтирадилар. Чунончи Россия ўқув адабиётлари учун қуйидаги классификация характерли (2-жадвал).

2-жадвал

Хорижий инвестициялар шакллари классификацияси [2]

Белгиси	Тури	Характеристикаси
Мулкчилик шаклибўйича	Давлат	Давлат органлари кўрсатмаси билан инвестициялаш
	Хусусий	Хусусий шахсларнинг ўз давлатидан ташқарига инвестициялаши
	Аралаш	Хусусий ва давлат капитали иштирокидаги инвестициялар
Инвестицияланаётган молиявий ресурсларнинг активлар бўйича таркибига қараб	Реал	Молиявий маблағларни бошқа мамлакатлардан ускуналар сотиб олиниши билан боғлиқ узоқ муддатли лойиҳаларга йўналтириш;
	Номоддий	Лицензиялар, ҳуқуқлар ва бошқа номоддий характердаги активларни сотиб олиш,
	Молиявий	Акцияларга, қимматли қоғозларга инвестициялар ва бошқалар
Қулланиши усули бўйича	Ссуда	Молиявий ресурслар улар бўйича фоизлар кўринишида даромад олиш учун етказиб берилади
	Тадбиркорлик	молиявий ресурслар фойдадан дивидент олиш учун хорижий инвестициялар сифатида йўналтирилади

Капитал жойлаштириш объектларининг хусусиятига кўра	Тўғридан-тўғри	Инвестор томонидан лойиҳанинг молиявий ва тизимли назоратини мақсадли жойлаштиришни назарда тутувчи хорижий инвестицияларнинг энг оммавий тури
	Портфель	Дивидендлар олиш мақсадида акцияларнинг бир қисми сотиб олинади
	Бошқа	Уларга чет эл инвестициялари, жумладан, банк ҳисобварақларига пул маблағларини жойлаштириш, кредитлар бериш ва бошқалар киреди.

Қайд этилган йўналишларнинг барчаси ҳам тўғридан-тўғри кичик бизнес секторига тааллуқли эмас, лекин уларнинг ҳар бирига оид лойиҳаларнинг амалга оширилиши бевосита ёки билвосита шу ҳудуддаги кичик бизнес субъектлари фаолиятига ижобий таъсир этади ва инвестицион жараёнларга туртки беради.

Хорижий инвестицияларни жалб этишнинг барча келтириб ўтилган ушбу шакллари узоқ муддатли стратегик характерга эга. Бу борада эришиладиган натижалар Ўзбекистон иқтисодиётининг таркибий, тармоқ ва тармоқларо тузилмавий ўзгаришларидаги муаммоларни фақатгина мамлакат молиявий ресурслари ҳисобидан ҳал этишга нисбатан ҳам қисқа вақт ичида ва кам инвестицион харажат ҳисобидан ечиш имконини беради.

К.К. Поздняков Россия бозорида иш олиб бораётган хорижий инвесторларни уч гуруҳга бўлади:

1. Йирик трансмиллий корпорациялар. Улар миллий ҳуқуқий режимнинг бошқалардан алоҳида ажратилган қисмида ишлайдилар. Қонунчилик ҳужжатлари ёки ҳукумат билан шартномалар воситасида хўжалик юритишдаги ноқулай вазиятлардан ҳимоя қилинганлар, имтиёزلардан фойдаланадилар.

2. Маҳсулот ва хизматларнинг оригинал технологиясига эга бўлган майдава ўрта компаниялар. Улар одатда ўз патентларига ёки “ноу-хау” ларига эгалар, рақобатбардош товарлар ишлаб чиқарадилар, барқарор равишда ўз бизнесларини кенгайтиришга интиладилар.

3. Активлар курс қиймати ўзгаришидан ва иқтисодий беқарорликдан фойдаланиб спекулятив характердаги фойда олишга интилишга йўналган инвесторлар [3].


Фикримизча, мамлакатимиз кичик бизнеси учун айниқса иккинчи гуруҳ инвесторларни жалб этиш алоҳида аҳамиятга эга ва сўнги йилларда бунга жиддий эътибор қаратилмоқда. Чунончи Наманган вилоятида 2019 йилда Чуст ва Тўрақўрғон туманларида бўш ер майдонлари хатловдан ўтказилиб, 681,4 гектар 5 та ер участкасида “Наманган” эркин иқтисодий зонаси ташкил этилган. Унда 2019 – 2024 йилларда умумий қиймати 608,5 млн. АҚШ доллари бўлган 18 та инвестицион лойиҳа амалга оширилади ва 6678 та иш ўринлари яратилади. ЭИЗда кичик ва ўрта бизнес корхоналари ҳам барпо этилади. Улар жумласига “Cang special steel” МЧЖ қўшма корхонаси, “Art soft engineering” МЧЖ, “Siberian Wellness Namangan” МЧЖ хусусий корхонаси бор бўлиб, 3 та лойиҳага 2020–2021 йилларда 88,45 млн. АҚШ доллари ҳажмида инвестиция киритилади ва 1150 та иш ўринлари яратилади.

Хусусан, кичик бизнесга хорижий инвестициялар жалб этилиши механизмларида уч йўналишни фарқлаш лозим:

1. Молиялашни таъминловчи механизмлар. Уларга акциялаштириш, лойиҳавий молиялаш, венчур молиялаш ва давлат бюджетидан молиялаштириш киради.

2. Инвестициялар оқимига кўмаклашувчи тизимлар ва ташкилотлар. Уларга Савдо-саноат палатасини ва турли тижорат ва нотижорат ташкилотларни киритиш мумкин.

3. Алоҳида ҳудудлар ва тармоқларга инвесторларни жалб этувчи давлат чоралари, имтиёзлари ва кафолатлари.



1-расм. Инвестицияларни жалб этиш механизмлари.

Манба: Муаллиф тадқиқотлари асосида ишлаб чиқилди.

Хорижий инвестициялар алоҳида йўналишлари, шакллари ва уларни жалб этиш механизмлари самарадорлигини аниқлаш ва таҳлил қилиш анча мураккаб масала ва бу таҳлил мақсадларидан ва тегишли субъектларнинг манфаатларидан келиб чиққан ҳолда амалга оширилади (1-расм).

Мамлакатга кириб келаётган хорижий инвестицияларни рағбатлантиришда Ўзбекистон Республикаси Президентининг ПФ-3594-сонли Фармони амалий аҳамиятга эга бўлди. Унга асосан, 2005 йилнинг 1 июлидан бошлаб тўғридан-тўғри хусусий хорижий инвестицияларни жалб этадиган иқтисодиёт тармоқлари корхоналари асосий фаолияти бўйича фойда солиғи, мулк солиғи, ободонлаштириш ва ижтимоий инфратузилмани ривожлантириш солиғи, микрофирма ва кичик корхоналар учун белгиланган ягона солиқ тўлови тўлашдан, шунингдек Республика йўл жамғармасига мажбурий ажратмалар тўлашдан озод қилинди. Тўғридан-тўғри хусусий хорижий инвестициялар ҳажми қуйидагича бўлганда мазкур солиқ имтиёзлари берилар эди:

300 минг АҚШ долларидан 3 миллион АҚШ долларигача – 3йил муддатга;

3 миллиондан ортиқ АҚШ долларидан 10 миллион АҚШ долларигача – 5йил муддатга;

10 миллион АҚШ долларидан ортиқ бўлганда – 7йил муддатга².

Шунингдек, Навоий вилоятининг саноат салоҳиятини, ишлаб чиқариш, транспорт-транзит ва ижтимоий инфратузилмасини ривожлантириш мақсадида Навоий эркин индустриал-иқтисодий зонаси ташкил этилган бўлиб, ушбу зонада рўйхатдан ўтган хўжалик юритувчи субъектлар, уларга киритилган тўғридан-тўғри инвестициялар ҳажми қуйидагича бўлган тақдирда ер солиғи, мулк солиғи, даромад солиғи, ободонлаштириш ва ижтимоий инфратузилмани ривожлантириш солиғи, ягона солиқ тўлови, Республика йўл жамғармаси ва Республика мактаб таълимини ривожлантириш жамғармасига мажбурий тўловлардан озод этилган эди:

3 миллион евродан 10 миллион еврогача – 7 йилга;

10 миллион евродан 30 миллион еврогача – 10 йилга. Кейинги 5 йил давомида фойда солиғи ва ягона солиқ тўлови ҳажми амалдаги ставкадан 50 фоиз миқдорида белгиланади;

30 миллион евродан ортиқ бўлганда – 15 йилга. Кейинги 10 йил давомида фойда солиғи ва ягона солиқ тўлови ҳажми амалдаги ставкадан 50 фоиз миқдорида белгиланади.

2009 йилда мамлакатда олиб борилаётган инвестицион сиёсатни янада жадаллаштириш, хорижий инвестицияларнинг самарадорлигини ошириш ҳамда жаҳон молиявий инқирози таъсирини бартараф этиш мақсадида инқирозга қарши чоралар Дастурида тайёр маҳсулот ишлаб чиқаришга ихтисослашган, хорижий инвестиция иштирокида ташкил этилган корхоналарни бюджетга барча турдаги солиқ ва тўловлардан (ҚҚС бундан мустасно) озод қилиш муддатини 2012 йилгача узайтириш белгилаб берилди [4].

“Инвестициялар ва инвестиция фаолияти тўғрисида” ги Қонунига биноан Ўзбекистон Республикасида хорижий сармоя иштирокидаги корхоналарни рўйхатдан ўтказиш учун устав фонди миқдори камида 400 000 000 млн сўм (қарийб 40 000 АҚШ доллар) бўлиши, умумий устав фонди миқдорида хорижий юридик шахс улуши камида 15%ни ташкил этиши, хорижий сармоядор иштирокида корхона ташкил этиш учун қуйидаги вазифалар амалга оширилиши зарур:

• муассис ҳужжатлари пакетини ишлаб чиқиш ёки амалдаги корхона ҳужжатларига ўзгартишлар киритиш (агарда инвестиция амалдаги корхонага жалб қилинаётган бўлса).

• фирма номини заҳирага олиб қўйиш.

• муассис ҳужжатларининг нотариал ишончномаси.

• Юридик шахснинг давлат рўйхатидан ўтганлиги (қайта ўтганлиги).

• Асосий муҳр ва бурчак штампни тайёрлаш (агар талаб этилса).

• Банк хизматини кўрсатиш бўйича шартнома тузиш ва банк ҳисоб рақамларини очиш (энди тузилаётган корхоналар учун).

Муассис ҳужжатлари муассисларнинг ўзи ёки улар билан шартнома тузган учинчи шахслар (маслаҳат марказлари, юридик фирмалар ва ҳ.з.) томонидан тайёрланиши мумкин. Савдо-саноат палатасининг яқинда жойлашган бўлинмасига мурожаат этса ҳам бўлади. Бунда палата мутахассислари шартнома асосида керакли ҳужжатларни ишлаб чиқади. Муассислар Адлия вазирлигининг расмий сайтида

² Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2005 йил 11 апрелдаги “Тўғридан-тўғри хусусий хорижий инвестицияларни жалб этишини рағбатлантириш чора-тадбирлири тўғрисида” ги ПФ-3594-сонли фармони.

жойлаштирилган муассис хужжатларининг намунавий шаклларида фойдаланишлари мумкин.

Хорижий сармоядор иштирокида янги тузилган корхона давлат рўйхатидан ўтганидан сўнг юридик шахс мақоми ва фаолият юритиш ҳуқуқига эга бўлади. Рўйхатдан ўтказиш тартиби ташкил этилаётган корхона мақомига боғлиқ эмас, у ва бу турдаги корхоналар тадбиркорлик субъектларига давлат хизматларини кўрсатиш бўйича ягона марказлар томонидан “ягона дарча” тамойили асосида рўйхатдан ўтказилади.

“Ягона дарча” марказига Муассис – юридик шахснинг жойлашган манзили ёки муассис – жисмоний шахснинг доимий яшаш манзили бўйича мурожаат қилиши лозим. 2017 йил 1 январдан бошлаб тадбиркорлик субъектларини рўйхатдан ўтказиш Интернет орқали Интерфаол давлат хизматлари ягона порталига интеграциялаштирилган тадбиркорлик субъектларини автоматлашган рўйхатга олиш тизими ёрдамида амалга ошириш мумкин.

“Инвестициялар ва инвестиция фаолияти тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 19-моддасида белгиланган кафолатларни қўллаш ҳақида хабар бериш тартиби тўғрисидагинизомнинг 2-иловасида “Ўзбекистон Республикаси Ҳукумати билан чет эллик инвестор ўртасида инвестиция шартномаларини тузиш, ўзгартириш киритиш, тугатиш ва амалга ошириш тартиби” тўғрисида низом қабул қилинган. Ўзбекистон Республикаси Ҳукумати билан инвестиция шартномасини тузиш ва амалга ошириш схемаси ушбу Низомда белгиланган тартибда амалга оширилади (№ 1-илова). Ушбу Низом Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимлари томонидан 10 миллион АҚШ долларидан кўп бўлмаган эквивалентда чет эл инвестицияси улуши бўлган инвестиция лойиҳаларини амалга оширишда чет эл инвесторлари билан инвестиция шартномаларини тузиш ҳуқуқига нисбатан татбиқ этилмайди. Бу эса кичик бизнесга жалб этилаётган хорижий инвестицияларни жалб этиш механизмини соддалаштиради.

Ўзбекистонда хорижий инвесторларга қўйиладиган қатор талабларни енгиллаштирилди. Бу Инвестициялар бўйича давлат қўмитаси томонидан эксперт ва илмий доиралар вакиллари билан ҳамкорликда ишлаб чиқилган “Инвестициялар ва инвестиция фаолияти тўғрисида” ги қонунда кўзда тутилган. Жумладан, Қонунга мувофиқ:

- инвестициялар улушининг энг кичик миқдори 30 дан 15 фоизгача камайтирилиши;
- хорижий инвестицияли корхоналарда хорижий юридик шахснинг иштирокчи сифатида мажбурий иштирок этиши талабини бекор қилиш;
- хорижий инвестициялари бўлган корхоналар низом жамғармасининг энг кичик миқдори 600 миллион сўмдан 400 миллион сўмгача камайтирилиши;
- хорижий инвестицияли корхоналарни давлат рўйхатидан ўтказиш учун давлат божи миқдорини 3 маротабага камайтириш;
- акциядорлик жамиятининг низом жамғармаси миқдорини 400 миллион сўм деб белгилаш.

Ўзбекистон Республикасига инвестиция киритилган вақтдаги республикада ўрнатилган энг кам иш ҳақи миқдорининг 8500 баробаридаги миқдорда инвестиция киритган хорижий фуқаролар ва фуқаролиги бўлмаган шахсларга

хўжалик субъектлари акциялари ва улушларини сотиб олиш кўринишидаги, шунингдек хорижий корхона ташкил қилиш, кўп маротабали уч йиллик виза олиб, унинг амал қилиш муддатини Ўзбекистон Республикаси ҳудудидан чиқиш заруратисиз чекланмаган миқдорда узайтириш имкони бўлган ҳуқуқини бериш кўзда тутилган.

МУҲОКАМАЛАР

Умуман олганда янги Қонун қуйидаги ижобий ўзгаришларни назарда тутмоқда:

– тўғридан-тўғри чет эл инвестицияси тушунчасига аниқ таъриф берилганлиги: чет эллик инвесторнинг ҳуқуқатларисиз, таваккалчилик шароитларида ўз маблағлари ёки қарз маблағлари ҳисобидан инвестициялар (3-модда);

– маҳаллий ва хорижий инвесторларнинг тенг ҳуқуқчилиги, чет эл инвестициялари учун ҳуқуқий режим маҳаллий инвестициялар учун ҳуқуқий режимдан ноқулайроқ бўлиши мумкин эмас (46-модда);

– Давлат инвесторларнинг фуқаролиги, яшаш жойи, иқтисодий фаолиятни амалга ошириш жойи билан боғлиқ ҳолда, шунингдек, инвесторларнинг ва инвестицияларнинг келиб чиқиш мамлакатига қараб инвесторларнинг камситилишига йўл қўйилмаслигини кафолатлайди (15-модда);

– маблағларни эркин ўтказиш кафолатлари берилганлиги (17-модда);

– инвестиция фаолиятидаги қиймат муносабатларининг тўлақонли равишда эркин бозор тамойилларига ўтказилганлиги (14-модда).

Албатта, ҳуқуқий базанинг мустаҳкамланиши кичик бизнесга хорижий инвестициялар жалб этилишини кенгайтириш учун қулай шароитлар яратилишига хизмат қилади. Шу билан бирга бу жараён олиб борилишининг ташкилий-иқтисодий механизмларининг раво ишлашига ҳам эришилиши лозим. Сўнгги йилларда мамлакатимизга жалб этилаётган хорижий инвестициялар кўламлари ва таркибидан ижобий ўзгаришлар содир бўлмоқда. Ташқи қарзлар, асосан, узоқ муддатга, фақат иқтисодиётнинг стратегик тармоқларини модернизация қилиш бўйича инвестиция лойиҳаларини молиялаштириш учун жалб қилинмоқда. Шу билан бирга айниқса халқаро молия институтларининг кредит ресурсларини кичик бизнесни молиялашга йўналтириш ҳажмлари ўсиши кузатилмоқда.

Қонуннинг 25-моддасига биноан инвестиция фаолиятини давлат томонидан тартибга солиш қуйидагилар орқали амалга оширилади:

– инвестиция фаолиятининг норматив-ҳуқуқий базасини такомиллаштириш;
– инвестиция фаолиятини ривожлантириш учун қулай шарт-шароитлар яратиш ва Ўзбекистон Республикаси Ҳуқуқатларининг кафолатларини тақдим этиш;

– Ўзбекистон Республикаси ҳудудида махсус иқтисодий зоналарни ва кичик саноат зоналарини барпо этиш;

– асосий фондларни тезлаштирилган амортизация қилиш ҳуқуқини бериш;

– техник жиҳатдан тартибга солиш нормалари, қоидалари ва талабларини белгилаш;

– рақобатни қўллаб-қувватлаш чораларини қўллаш;

– ер участкаларига ва бошқа табиий ресурсларга эгаллик қилиш ҳамда улардан фойдаланиш шартларини белгилаш.

Инвесторларга бозорда уларни устувор мавқега қўювчи мутлақ қоидалар ва ҳуқуқлар берилишига йўл қўйилмайди.

Таҳлиллар хорижий инвестицияларни жалб қилиш механизмида қуйидаги муаммолар сақланиб қолаётганлигини кўрсатмоқда:

- инвестицион лойиҳа бўйича маркетинг тадқиқотларининг чуқур олиб борилмаслиги ва бу лойиҳанинг келгусидаги пул оқимлари ҳаракатининг барқарорлигига ҳамда кредитни қайтариш манбасининг ишончлилигига салбий таъсир этиши;

- инвестицион лойиҳалар ташаббускорлари дуч келаётган асосий муаммолардан бири – молиялаштиришнинг нокредит усулларида султ фойдаланилиши (лизинг, факторинг, франчайзинг);

- тижорат банкларининг молия-кредит муассасаларига хос бўлмаган вазифаларни бажариши. Кўп ҳолларда банклар назорат қилувчи ва кузатувчи органлар сифатида ҳаракат қилмоқда ва бу ҳол инвестицион лойиҳалар ташаббускорларининг банк тизими билан муносабатларига салбий таъсир кўрсатмоқда.


Мамлакатга ҳамда унинг ҳудудларига хорижий инвестицияларни самарали жалб этишда ва манфаатларни уйғунлаштиришда эркин иқтисодий зоналар муҳим роль ўйнайди. Улар орқали мамлакатга хорижий инвестициялар жалб этилиши масалалари оқилона ва энг самарали ҳал этилиши осонлашади.

Хорижий инвестицияларни жалб этишнинг ўзига хос анъанавий усулларида бири эркин иқтисодий зона (ҳудуд)ни ташкил этиш ҳисобланади. Эркин иқтисодий зона (ЭИЗ) – ўзига хос иқтисодий ва ҳуқуқий статусга эга бўлган ҳудуд бўлиб, хорижий ва миллий инвестицияларни жалб этиш учун бир қатор имтиёзлар бериш асосида қулай шарт-шароит яратилган ҳудудлардир. ЭИЗнинг амал қилиш тизимидаги ташқи савдо, солиқ, молия ва маъмурий имтиёзлари миллий иқтисодиёт экспорт салоҳиятининг ривожланишига қўмаклашади ва унинг жаҳон иқтисодиётига интеграциялашув даражасини оширади.

Одатда, ЭИЗни ташкил этиш йирик диверсификациялашган иқтисодиёт учун, айниқса, минтақавий ривожланишда мураккаб мутаносибликларга эга бўлган Ўзбекистон учун жуда долзарб ҳисобланади. ЭИЗ тушунчаси бир қанча типдаги ҳудудларни ўз ичига олади. Бунда турли мезонларга таяниб, уларнинг турли хил туркумланини кўришимиз мумкин. Хўжалик фаолияти нуқтаи назаридан қабул қилинган ЭИЗларнинг бир қанча кенг тарқалган туркумларга ажратиш мумкин (2-расм).

Ўзбекистон Республикасининг 2019 йил 9 декабрда қабул қилинган “Махсус иқтисодий зоналар тўғрисида” Қонуни халқаро қўлланилаётган “эркин иқтисодий зоналар” атамаси ўрнига “махсус иқтисодий ҳудудлар” атамасини қўлламоқда.

Махсус иқтисодий ҳудудлар (бундан кейинги ўринларда-МИХ) ўз ичига бир гуруҳ хусусиятларни, масалан, саноат ишлаб чиқариш ҳудудлари, илмий-ишлаб чиқариш ҳудудлари ва инновацион ҳудудларни қамраб олади. МИХ амал қилиши мамлакат минтақаларининг инвестицион, инновацион тадбиркорлик жозибдорлигини оширади. МИХ ҳудудига хорижий капиталларнинг катта оқимини таъминлашга мазкур ҳудуднинг қулай иқтисодий географик жойлашуви ва мавжуд ривожланган инфратузилмаси ҳам кучли туртки беради.



2-расм. Эркин иқтисодий зоналарнинг ҳудудлар бўйича туркумлиниши
Манба: Муаллиф тадқиқотлари асосида ишлаб чиқилди.

МИҲнинг самарали фаолияти мамлакатлар ва минтақалар иқтисодиётини ривожланишидаги позитив таъсирларда кўринади. МИҲнинг афзалликларини қуйидагилар орқали умумлаштириш мумкин:

- умумий экспорт ҳажми ва валюта тушумларининг ўсиши;
- маҳаллий аҳоли бандлигининг ошиши ва аҳоли жон бошига ЯИМ ҳажмининг ўсиши;
- ишчилар малакаси, шунингдек, улар оладиган иш ҳақининг ўсиши;
- янги технологияларни олиш ва миллий компаниялар учун “намоишкорона самара” га эришиш;
- минтақа иқтисодиётини таркибий қайта қуриш ва инфратузилманинг самарадорлиги ҳамда сифатини ошириш.

МИҲлар мамлакат иқтисодиётига ўзига хос ижобий таъсири билан бирга ўзининг салбий таъсирини ҳам ўтказиши мумкин: мамлакатнинг бошқа ҳудудларидан капиталнинг чиқиб кетиши, шунингдек, импорт компоненти натижасида янги вужудга келган қиймат ҳажмининг пасайиши ва импорт компонентининг юқори улуши ҳисобига МИҲда янги вужудга келган қийматда амалдаги валюта фойдаси ҳажмини пасайиши.

Мамлакатимизда ташкил этилган ЭИЗлар фаолиятини ривожлантириш ва уларга ички ва ташқи инвестицияларни кенг жалб этиш учун қуйидаги чораларни амалга ошириш лозим, деб ҳисоблаймиз:

– мамлакатда ташкил этилган ЭИЗлар фаолияти бўйича доимий ва меъёрий даражадаги ҳукумат назоратини олиб боришни кучайтириш керак. Бунда амалдаги эркин иқтисодий зоналарнинг Маъмурий кенгашининг самарали фаолият кўрсатиши лозим;

– ЭИЗ худуди танланаётганда зонанинг қулай иқтисодий-географик жойлашуви, зарур ишлаб чиқариш ва бозор инфратузилмаси билан таъминланганлиги, ижтимоий инфратузилма тармоқлари ривожланганлиги, юқори даражадаги илмий, техник ва таълим салоҳиятига эгаллиги каби хусусиятлар эътиборга олиниши лозим. Бу инвестициянинг мультипликатив таъсирини ва самарадорлигини оширишда муҳим аҳамият касб этади;

– жаҳон тажрибасига кўра, ҳар доим ҳам кўпроқ иқтисодий самарага эришиш учун ЭИЗ катта жойни эгаллаши шарт эмас. Муҳими, қулай шароит ва тегишли инфраструктуралар мавжудлигидир;

– жаҳон тажрибаси кўрсатишича, ЭИЗларда инвестициялар учун солиқ имтиёзларини тақдим этиш зарур, лекин, ЭИЗни яхши фаолият юритиши учун шу билан бирга маъмурий тўсиқларнинг бор ёки йўқлиги ҳам катта аҳамият касб этади;

– мамлакатимизда технопарклар ва кичик саноат зоналарини (КСЗ) ташкил этиш ва уларнинг ЭИЗлар билан мустаҳкам ҳамкорлик алоқаларини ўрнатиш, ривожлантириб бориш зарур. Уларни юқори илмий-техникавий, катта тажриба, билим ва салоҳиятга эга малакали мутахассис-кадрларга эга илмий-тадқиқот, олий таълим муассасалари негизида ташкил этиш ва уларга инвестициялар жалб этишни рағбатлантириш мақсадга мувофиқдир;

– шунингдек, ЭИЗлар, КСЗлари ва технопаркларни рақобатбардош кадрлар билан таъминлаш масаласига ҳам алоҳида эътибор қаратиш ҳамда уларнинг меҳнатини муносиб тарзда моддий, маънавий рағбатлантириш тизимини ҳам яратиш зарур;

– ЭИЗлар, КСЗлари ва технопарклар фаолиятини ривожлантиришда мамлакатимизда транспорт-коммуникация ва логистика инфратузилмасини такомиллаштириш, логистика тизимининг самарали ишлаш механизминини яратиш, товар ва хомашёларнинг экспорти-импортида божхона расмийлаштируви, назорати билан боғлиқ хизматлар сифати ва самарадорлигини ошириш зарур.

ЭИЗлар тадқиқи якунида ушбу хулосаларни таъкидлаш мумкинки, ЭИЗларнинг самарали фаолияти учун зарур бўлган аниқ концепция, шароит ва инфратузилма анчагина ҳолларда заифлиги сабабли, хорижий инвестицияларни рағбатлантиришни такомиллаштириш долзарблигича қолмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги “Ўзбекистон Республикасининг янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги ПФ–4947-сонли, 2016 йил 26 октябрдаги “Эркин иқтисодий зоналар фаолиятининг фаоллаштириш ва кенгайтиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПФ–4853-сонли, 2016 йил 5 октябрдаги “Тадбиркорлик фаолиятининг жадал ривожланиши таъминлашга, хусусий мулкни ҳар томонлама ҳимоя қилишга ва ишбилармонлик муҳитининг сифат жиҳатидан яхшилашга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПФ–4848-сонли, 2012 йил 10 апрелдаги “Тўғридан-тўғри хорижий инвестицияларни жалб этишни рағбатлантириш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги

ПФ–4434-сонли, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 28 январдаги “Инновация ва ташқи савдо соҳасида бошқарув тизимини такомиллаштиришнинг чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ–5643-сонли фармонлари кичик бизнесга хорижий инвестициялар оқими кенгайиб боришига хизмат қилади.

Мамлакатимизда сўнгги йилларда қулай инвестициявий ва ишбилармонлик муҳитини шакллантириш, хорижий инвестицияларга кенг йўл очиш, қонунчилик барқарорлигини таъминлаш, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантириш, инвестициявий муҳитни тубдан яхшилаш борасида амалга оширилаётган тизимли ишлар республика саноат ва бошқа тармоқларини таркибий ўзгартириш, модернизациялаш ва диверсификациялашни чуқурлаштириш, замонавий инфратузилмани шакллантиришга қаратилган Давлат дастурлари инвестициялар ҳажмини ошишида муҳим омил бўлмоқда.

Чунончи 2017–2021 йилларда Ўзбекистон республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясини “Фаол инвестициялар ва ижтимоий ривожланиш йили”да амалга оширишга оид Давлат дастурида қуйидагилар кўзда тутилди:

- давлат ва жамият қурилиши тизимини такомиллаштириш соҳасида парламентнинг муҳим қарорлар қабул қилиш ва қонунлар ижросини назорат этиш фаолиятини кучайтириш;

- ижро этувчи ҳокимият тизимини оптималлаштириш, маъмурий ислохотларни давом эттириш;

- давлат бошқарувида замонавий менежмент услубларини кенг қўллаш, давлат хизматларини ривожлантириш, давлат хизматига малакали мутахассисларни жалб этишга қаратилган ягона кадрлар сиёсатини шакллантириш;

- маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг ваколат ва масъулиятини қайта кўриб чиқиш, уларнинг мустақиллигини ошириш;

- иқтисодий ривожлантириш ва инвестицияларни фаол жалб этиш соҳасида макроиқтисодий барқарорликни таъминлаш, соғлом рақобат учун зарур шароитларни яратиш, ишбилармонлик ва инвестиция муҳитини тубдан яхшилаш, иқтисодий давлат иштирокини жиддий равишда камайтириш, юқори иқтисодий ўсиш суръатларини сақлаб қолиш, “хуфиёна” иқтисодийга қарши курашиш ва унинг улушини кескин қисқартириш, валюта сиёсатини эркинлаштиришни давом эттириш;

- Ўзбекистон Республикаси Иқтисодий ва саноат вазирлиги Инвестициялар бўйича давлат қўмитаси, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари билан биргаликда 2019 йилда ҳар бир ҳудуднинг ўзига хос хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда, биринчи навбатда, инвестиция жалб этиш учун устувор йўналишларни назарда тутувчи Ўзбекистон Республикасининг ўрта муддатли истиқболдаги инвестиция сиёсати стратегияси ишлаб чиқишини таъминлаш;

- Ўзбекистон Республикаси ташқи ишлар вазирлиги, Ташқи савдо вазирлиги, Инвестициялар бўйича давлат қўмитаси бошқа манфаатдор вазирлик ва идоралар билан биргаликда 2019 йилда Ўзбекистон Республикасининг хорижий мамлакатлар – устувор ҳамкорлар билан савдо-иқтисодий, инвестиция, маданий, гуманитар ва сиёсий, шунингдек, хавфсизлик соҳасидаги ҳамкорлигини янада фаоллаштириш ва ривожлантириш;

– республика иқтисодиётининг ишлаб чиқариш салоҳиятини кенгайтиришга, шунингдек, унинг рақобатбардошлигини янада оширишга тўғридан-тўғри хорижий инвестициялар ва инновацион технологияларни жалб этиш;

– хусусий маҳаллий ва хорижий инвесторлар билан узоқ муддатли ўзаро манфаатли шериклик муносабатларини йўлга қўйиш орқали инвестиция фаолиятини рағбатлантириш ва ривожлантириш;

– инвестиция таклифларини баҳолаш, инвестиция лойиҳаларини ишлаб чиқиш ва амалга ошириш;

– инвестиция муҳитини яхшилашга, шунингдек, республикамизнинг инвестиция салоҳияти ва имкониятларини хорижда кенг тарғиб қилишга кўмаклашиш ҳамда 2019 йилда инвестиция лойиҳаларини, биринчи навбатда, иқтисодиётнинг устувор тармоқларида амалга оширишни рағбатлан-тириш вақўллаб-қувватлашнинг замонавий шакл ва услубларини жорий этишни ҳисобга олган ҳолда, тўғридан-тўғри хорижий инвестицияларни жалб қилиш механизмларини такомиллаштиришни назарда тутувчи лойиҳаларни ишлабчиқиш каби масалалар устувор вазифа этиб белгиланди.

ТАКЛИФ ВА ТАВСИЯЛАР

Ўзбекистонда кичик бизнесга хорижий инвестицияларни жалб этиш механизмидаги муаммоларни ҳал этиш бўйича қуйидагиларни таклиф этамиз:

- ишлаб чиқаришни тузилмавий-технологик қайта қуришни жадаллаштириш мақсадида марказлашган кредит ресурсларнинг бир қисмини тез қоплайдиган инвестицион лойиҳаларни молиялаштиришга қаратиш, шу жумладан кичик бизнес субъектларига йўналтириш;

- инвестицион лойиҳаларни молиялаштиришнинг нокредит усулларида бўлган лизинг, франчайзинг, факторинг кабилардан фойдаланишни кенгайтириш;

- инвестицион лойиҳалар сифатини ошириш, лойиҳаларнинг капитал қўйилмалар самарадорлиги талабларига мос келиши мақсадида тижорат асосида доимий равишда фаолият юритадиган инвестицион лойиҳалар кўрғазмаларни ташкил қилиш мақсадга мувофиқ.

Шундай қилиб, хорижий капиталларни жалб этишнинг у ёки бу шаклини танлаш ва мамлакат ижтимоий-иқтисодий ривожланиш йўналишларига, шунингдек, иқтисодий хавфсизлик тамойилларига мос тарзда киритиш учун ушбу шаклларнинг ҳар бирининг ўзига хос хусусиятини ҳисобга олиш лозим. Шу билан бирга, хорижий инвестицияларни жалб қилиш мақсадлари, уларнинг шакллари ва фойдаланиш имкониятлари хўжалик юритишнинг алоҳида олинган даражаларида ҳам бир хил эмас. Шунинг учун хорижий инвестиция ресурсларини жалб этишда унинг турли шаклларини қиёслаш ва биринчи ўринда, хўжалик субъектларининг, қолаверса минтақалар манфаатларини ҳисобга олиш лозим.

Мамлакат ёки алоҳида корхоналар даражасида хорижий капиталларни жалб қилиш масалаларида умумий мақсад мавжуд бўлиши мумкин. Бу – ташқи бозорга чиқиш йўлида ўзининг техник-технологик даражасини такомиллаштириш ва ишлаб чиқариш кўламларини кенгайтириш, рақобатбардошлигини оширишдир. Аммо, алоҳида олинганда, корхоналар ва мамлакат даражасида мақсадларни амалга ошириш йўллари турли хил бўлиши мумкин.

Корхона (уюшма, концерн, ассоциация) даражасида қўшимча технологик, моддий ва молиявий ресурсларни жалб этиш учун ҳамда унда аниқ масалаларни ҳал қилиш лозим: лицензия ва ноу-хау кўринишидаги чет эл технологияларини жорий этиш; янги импорт асбоб-ускуналарига эга бўлиш; бозорга чиқиш усулларини такомиллаштириш ва маҳсулот сифатини ошириш мақсадида бошқарувнинг чет эл тажрибасини жалб этиш; бозорда, шу жумладан, жаҳон бозорида талаб кўп бўлган маҳсулотларни ишлаб чиқаришни кенгайтириш; ўзида мавжуд бўлмаган зарур асбоб-ускуналарни четдан олиб келиб фойдаланиш ва хусусий техник ишлов беришни жорий этиш ва бошқалар.

Агар гап мамлакат миқёсида борадиган бўлса, хорижий капиталларни жалб қилиш эвазига эришилмоқчи бўлган мақсадлар доираси кескин ошади. Лекин гап нафақат амалдаги кархонанинг модернизацияси ҳақида, балки мамлакатда фаолият юритаётган кичик бизнес субъектларига инвестициялар жалб қилиш ва улардан фойдаланиш самарадорлигини ошириш лозим. Жумладан:

- иқтисодий таркибий қайта қуриш учун мутлақо янги турдаги кичик бизнес корхоналарини ташкил этиш ва ички бозор учун зарур бўлган, миқдор жиҳатдан етарли бўлмаган янги турдаги маҳсулотларни ишлаб чиқариш;

- мавжуд ва янги ташкил этилган кичик бизнес корхоналарида экспортга йўналтирилган ва импортнинг ўрнини босувчи янги товарларни ишлаб чиқаришни ташкил этиш;

- рақобат муҳитини ривожлантириш учун янги кичик бизнес корхоналарида кластерлар тизимини вужудга келтириш;

- ички бозор ва экспорт салоҳиятини ошириш мақсадида янги конларни ўзлаштиришни тезлаштириш;

- нисбатан паст тараққиёт даражасига эга ҳудудларда кичик бизнес субъектларининг ривожланишини тезлаштириш;

- кичик бизнес субъектлари фаолиятини янада ривожлантириш ва барқарорлигини таъминлаш мақсадида, консалтинг, маркетинг, кадрлар тайёрлаш соҳасида чет эл тажрибаларидан фойдаланиш;

- хорижий капитал иштирокида кичик бизнес субъектлари фаолиятини ривожлантириш учун инфратузилмалар тизимини ташкил этиш.

Ушбу мақсадлардан келиб чиқиб, хорижий инвестицияларни минтақа иқтисодиётига жалб этиш шакллари танлаш мумкин, шу билан бирга барча шакллардан ҳам турли даражаларда бирдай фойдаланиш мумкин эмас. Масалан, алоҳида корхона даражасида хорижий инвестицияларни жалб этишнинг концессия ёки эркин иқтисодий ҳудудларни яратиш шаклларидан фойдаланиш имконияти йўқ. Мамлакатга ва унинг ҳудудларига хорижий инвестицияларни жалб этиш шакллари танлаш бу уларни давлат томонидан тартибга солишга боғлиқ.

Фойдаланган адабиётлар рўйхати:

1. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М. Мирзиёевнинг Олий Мажлисга Мурожаатномаси. – “Халқ сўзи”, 2020 йил 25 январь.

2. Vernon R. International trade and international investment in the product cycle // The quarterly journal of economics. – Harvard, 1966. – Volume 83. No.1. – PP. 190–207.

3. Porter M. The Competitive Advantage of Nations. – New York: The Free Press, 1990. – P. 255.

4. Dunning J., Narullo R. Trade, location of economic activity and the MNE: a search for an eclectic approach. // *The International Allocation of Economic Activity* / Edited by V. Ohlin and P.O. Hesselborn. – London: Macmillan, 1977. – PP. 395–418;
5. Сергеев И.В., Веретенникова И.И., Шеховцев В.В. Инвестиции: Учебник для бакалавров, 2014.
6. Pozdnyakov K.K. The theoretical basis of the mechanism of attraction of foreign investments in the Russian regions and the rationale for their practical applicability. Raleigh, North Carolina, USA: Lulu Press, 2015. – P. 174. P. 71–72.
7. Каримов И.А. Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози, Ўзбекистон шароитида уни бартараф этиш йўллари ва чоралари. – Т.: “Ўзбекистон”, 2009. – Б. 24.
8. Солиев И.И., Сирожиддинов К.И. Благоприятный инвестиционный климат-важный фактор макроэкономического развития // *Молодой ученый*. – 2015. – №. 17. – С. 461–463.
9. Сирожиддинов К.И., Зайлиев А.А. Усиление роли инновационных факторов в экономическом развитии // *Молодой ученый*. – 2018. – №. 9. – С. 96–99.
10. Сирожиддинов К.И. Organization of marketing researches in agriculture various directions of development // *Scientific Bulletin of Namangan State University*. – 2019. – Т. 1. – №. 8. – С. 143–149.
11. Сирожиддинов К.И. Management of marketing researches in agriculture important features // *Scientific Bulletin of Namangan State University*. – 2019. – Т. 1. – №. 8. – С. 129–136.
12. Sh.R. Nurdinova, Socio-Economic Factors Affecting Uzbek Labor Migrants in Turkey, In Marlene Laruelle and Caress Schenk, editors, *Eurasia on the move interdisciplinary approaches to a Dynamic Migration region*, book chapter, Washington, D.C.: The George Washington University, Central Asia Program, 2018. – PP. 119–127.
13. Kenjaev I.E., & Bayhonov B.T. (2020). Development Of Organizational Mechanisms For Attracting Investment In Small Business. *The American Journal of Management and Economics Innovations*, 2(09). – PP. 6–16.
14. Кенжаев И.Э. (2019). Созданные условия для иностранных инвесторов в узбекистане. In *Приоритетные векторы развития промышленности и сельского хозяйства* (PP. 157–159).
15. Kenjaev I.E. (2019). Theoretical aspects of attracting foreign investment in the economy of the region. *Economics and Innovative Technologies*, 2019(3). – P. 8.
16. Ergashboevich K.I. (2020). Regional aspects of attracting foreign investments. *ACADEMICIA: An International Multidisciplinary Research Journal*, 10(6). – PP. 965–984.